



Ободлик мезонлари одамлар тақдирида акс этипти

2-с.

Долзарб мавзу сессия кун тартибида

“Маҳалла пресс-клуби”нинг иккинчи сессияси маҳалла раислари ваколатлари, вазифаларига бағишланди.

2-с.



ЎЗБЕКИСТОН МАҲАЛЛАЛАРИ УЮШМАСИНИНГ ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ, МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ГАЗЕТАСИ

2025 йил
22 ФЕВРАЛЬ,
ШАНБА

Mahalla

№14
(2238)

WWW.UZMAHALLA.UZ

БУГУНГИ СОНДА:

Жарима балларини ҳисоблаш ишга тушади

Ҳисобланган жарима баллари бир йил давомида 12 баллдан ошган ҳолларда, ҳайдовчи транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум қилинади. Бундай ҳуқуқдан маҳрум қилиш муддати 6 ойдан кам бўлмаслиги белгиланди.

5-с.

Мухтож одам кўмак излаб келади, қуруқ қайтгани эмас...

“Баъзан шифокор беморнинг ҳолати оғир бўлса ҳам дори ёзиб бермайди. Аммо бемор сўраётган воситалар бепул бериладиган 120 хил турдаги дорилар рўйхатига киритилган бўлса, “Саховат ва кўмак” жамғармасидан пул ажрата олмаёймиз. Ўртада мухтож одам ноилож, қуруқ қўл билан қайтиб кетяпти. Кейин уни ўзи сотиб олишига тўғри келади”.

6-с.

Олтин қўшилган таомни ейиш гуноҳми?

Аслида, олтин ва қумуш нақд пул ҳамда аёлларга зийнат қилиб яратилган. Уни ейдиган нарсаларга айлан-тириш жоиз эмас. Бундай қилиш шаръий ва инсоний урфга зиддир. Чунки бирор-бир миллат, дин ёки жамият олтин ва қумушни таом сифатида қабул қилмаган. Бу молни исроф ва зое қилиш ҳамда неъматларнинг қадрини ерга уриш ҳисобланади.

8-с.



ТОМОРҚАЧИГА ИМТИЁЗ “ЕТТИЛИК” ХУЛОСАСИ АСОСИДА ТАҚДИМ ЭТИЛАДИ

“Томорқа ер эгалари ва деҳқон хўжаликлари фаолиятида замонавий ташкилий тизимни жорий қилиш ва молиявий қўллаб-қувватлашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги Президент фармони қабул қилинди.

Фармонга кўра, қуйидаги молиявий қўллаб-қувватлаш тартиблари жорий этилади:

- **ҳар йили 500 та маҳаллада биттадан аҳоли томорқасида амалга оширилган энг намунали ва инновацион лойиҳа учун – БҲМнинг 100 бараваридан ошмаган миқдорда грантлар;**
- **уста деҳқонлар томонидан қисқа муддатли ўқув курсларини ташкил этиш билан боғлиқ харажатларни қоплаш учун – ҳар бир курс учун БҲМнинг 15 бараваригача миқдорда субсидия;**
- **муайян маҳалладаги 50 фойз**

хонадонларнинг томорқасида экспортбон маҳсулот етиштиришни йўлга қўйиб берган уста деҳқонларга 100 миллион сўмгача субсидия;

- **ихчам музлаткичли омборхоналар, тайёр ҳолдаги иссиқхоналар 24 ойлик имтиёзли давр билан 5 йилда бўлиб тўлаш шарти билан лизингга берилади.**

Аҳоли томорқаси ва ижарага берилган ер майдонларидан самарали фойдаланиш бўйича ҳоким ёрдамчиси ҳар чоракда ўрганиш олиб боради. Ўрганиш давомида хонадондаги томорқа ва ижара ерларида экин экил-

маган ва қаровсиз қолдирилган бўлса, қуйидаги чоралар қўлланилади:

- **имтиёзли кредитлар ажратилмайди;**
- “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри”га киритилган фуқаролар учун ёрдамлар (моддий ёрдам ёки бола пули каби) тўхтатилади;
- **ер солиғи уч қарра юқори миқдорда ҳисобланади.**

Бу жараёнда имтиёزلарни вақтинчалик тўхтатиш, қайта тиклаш ва оширилган солиқ ставкаларини қўллаш “Маҳалла еттилиги” қарори асосида амалга оширилади.

“

2026 йилдан бошлаб, тажриба тарикасида Наманган вилоятидаги томорқачилар 1 сотих ердан БҲМнинг 25 бараваридан юқори миқдорда даромад олганда, ер солиғининг 90 фоизи қайтариб берилади.

РАҒБАТ

ТИНЧЛИК ЙЎЛИДАГИ ҚАҲРАМОНЛИК УНУТИЛМАЙДИ

Президент Шавкат Мирзиёев “Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида”ги фармон ва “Иккинчи жаҳон урушида қозонилган ғалабанинг 80 йиллиги ҳамда Хотира ва қадрлаш кўнига тайёргарлик кўриш ва муносиб нишонлаш тўғрисида”ги қарорга имзо чекди.



Фармонга кўра:

- **Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва ногиронларининг ҳар бирига 10 000 (ун минг) АҚШ доллари миқдориди;**
- **Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларига тенглаштирилган шахсларнинг ҳар бирига 25 000 000 (йигирма беш миллион) сўм миқдориди;**
- **1941-1945 йиллардаги уруш давридаги меҳнат фронти қатнашчиларининг ҳар бирига 3 000 000 (уч миллион) сўм миқдориди бир марталиқ пул мукофоти берилади.**

Президент қарорига асосан, юртимизда Иккинчи жаҳон урушида қозонилган ғалабанинг 80 йиллиги ҳамда 9 май – Хотира ва қадрлаш кўни “Ватан равнақи, тинчлиги ва ҳимояси йўлидаги қаҳрамонлик унутилмайди” шиори остида ўтказилади.

Фидойи инсонларга “Иккинчи жаҳон урушидаги ғалабанинг 80 йиллиги” юбилей медаллари топширилади. Республика ҳудудидаги санаторийларга бир нафар кузатувчиси билан бир марталиқ бепул йўлланмалар тақдим этилади.

БАХТ УЧУН ҚЎША-ҚЎША САРПО ШАРТ ЭМАС...

7-с.

Бир марталик моддий ёрдам ўрнига нафақа берилади

“Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини молиялаштириш тартиб-таомилларини такомиллаштириш тўғрисида”ги Президент Фармони қабул қилинди.

Фармонга кўра, 2025 йил 1 апрелдан “Ижтимоий дафтарлар” жамғармалари орқали кўрсатиладиган ижтимоий ёрдамлар янада такомиллаштирилади. Хусусан:

- **Камбағал оилалар реестрига киритилган оилалар умумий ижтимоий ёрдамлардан фойдаланади;**
- **ойлик даромади оила аъзоларининг ҳар бирига минимал истеъмол харажатлари миқдорининг 2 бараваридан кўп бўлмаган оилалар уй-жой шароитларини яхшилаш ва соғлиқни сақлаш бўйича ижтимоий ёрдам олади.**

“

Эндиликда ижтимоий ёрдамлар қўшимча муражаатсиз – камбағалликдан чиқариш бўйича индивидуал режага мувофиқ ажратилади. Фуқаронинг молиявий ва ижтимоий ҳолати автоматик баҳолаш тизими (скоринг) орқали текширилади.



2025 йил 1 апрелдан “Ёшлар дафтари” жамғармаси орқали, 2025 йил 1 сентябрдан “Аёллар дафтари” жамғармаси орқали тўланадиган бир марталик моддий ёрдам ўрнига кам таъминланган оилалар учун

назарда тутилган нафақалар тўланади. 2025 йил 1 майдан даволаш ва жароҳлиқ амалиётини ўтказиш харажатлари Давлат тиббий суғуртаси жамғармаси орқали молиялаштирилади.

НЕГА АЙНАН 5000 ҚАДАМ?



8-с.



Президент Шавкат Мирзиёев энергия самарадорлигини ошириш бўйича ТАКЛИФЛАР ТАҚДИМОТИ билан танишди.



Шавкат Мирзиёев Туркий давлатлар ташкилоти ОҚСОҚОЛЛАР КЕНГАШИ раиси, таникли сиёсатчи Бинали Йилдиримни қабул қилди.



Саудия Арабистони Подшоҳи Ўзбекистон халқига муқаддас КАЪБА ЁПИНЧИГИ киванинг бир парчасини ҳада қилди.

МАНЗАРА

УЮШМА КУНДАЛИГИ

Ободлик мезонлари одамлар тақдирида акс этяпти



Электр таъминотидаги узилшларни бартараф этиш, интернет алоқасини яхшилаш учун 86 дона темир-бетон таянч устун ўрнатиш бошланди.

ларга шакл берилаяпти. Эзу ташаббус аввалида уйма-уй юриб, хатлов ўтказдик. Унда 46 нафар ишсиз, 43 та камбағал оила рўйхатга олинди. Ишсиз ва ногиронларни имкониятига қараб, иш билан таъминлаш, иқтисодий қўллаб-қувватлаш чорасини кўряпмиз. Қисқа вақт ичида 9 нафарининг доимий бандлиги таъминланди. “Камбағалликдан фаровонлик сари” дастури ижроси доирасида оилавий тадбиркорликни йўлга қўйиш, томорқадан самарали фойдаланиш, даромадни ошириш мақсадида банк имтиёзли кредит маблағлари ҳисобидан 8 та хонадон узумчиликка ихтисослашди. Тўққизта оилага чорвачилик йўналишида узоқ муддатга маблағ ажратилди. Дарвоқе, “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида аҳоли томорқасига экиш учун

2 800 туп дарахтга буюртма бердик. Йўллар сифатини яхшилаш, аҳоли ва транспорт воситалари ҳаракатлиниши учун қулайлик яратиш мақсадида 28 километр ички йўлни шағаллаш режалаштирилган. Бугунча 8 километр узунликдачи йўлга шағал тўқилди. Шунингдек, 1,5 километр пидедалар йўлакчаси қурилади. “Хавфсиз маҳалла” тамойили асосида 19 та кузатув камераси ўрнатилди. Электр таъминотидаги узилшларни бартараф этиш, интернет алоқасини яхшилаш учун 86 дона темир-бетон таянч устун ўрнатиш бошланди. Бир вақтнинг ўзида янги тармоқ тортиляпти. Бундан ташқари, мавжуд иккита трансформатор қайта таъмирланиб, яна 2 та янгиси ўрнатилаяпти. Ичимлик сув кудуги қазилиб,

2,5 километр тармоқ янгиланаяпти. Жараёнда аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш учун маҳалла мутахассислар иштирокида тиббий кўрик ташкил этилди. Беморларга амбулатор ва стационар тартибда даволашни учун йўланма берилди. Жисмоний тарбия ва оммавий спорт билан мунтазам шуғулланиш, соғлом турмуш тарзи бўйича ҳаётий кўникмаларни шакллантириш орқали ҳар бир фуқарода касалликка қарши кучли иммунитет тизими пайдо бўлишини таъминлаш, зарарли одатлардан воз кечиш, тўғри овқатланиш тамойилларига амал қилиш мавзусида тарғибот олиб бориляпти. Эътиборли жиҳати — амалга оширилаётган бу каби хайрли ишларнинг натижаси одамларнинг юз-кўзида, тақдирида акс этяпти.

ХАЛҚИМИЗГА ХОС АНЪАНА ВА УДУМЛАР ҚАДРИЯТ ДАРАЖАСИГА КЎТАРИЛГАН. МАСАЛАН, ЯНГИ УЙГА КЎЧИБ УТГАНДА, “УЙ КЎРДИ” ЁКИ “УЙ КЎЧДИ” ДЕГАН ТАДБИР БОР. БУНДА ИНСОНЛАР ҚУВОНЧИНИ ЯҚИНЛАРИ БИЛАН БАҲАМ КЎРАДИ.

Обид НОРБОЕВ, Ургут туманидаги “Мўминобод” маҳалласи раиси.

Бугун “Обод хонадон”, “Обод кўча”, “Обод маҳалла” мезонлари асосида ўзгача қиёфага кирган маҳаллаларда шундай тўйлар ўтказиш анъанага айланыпти. Биз ҳам ана шундай тўй тараддудидамыз. Бойси юқоридаги мезонлар асосида ҳудудимиз ўзгариб борапти. Бу одамларнинг ҳаётга интилишини ошириб, қалбини қувончга тўлдиряпти. Мавжуд 1 008 та хонадонда 5 130 нафар аҳоли истиқомат қилади. Асосий ўсиш нуқта — узумчилик. Еттига кўча бор. Шу кўчалар кечагина қишда лой, ёзда чанг эди. Энди тупроқ йўллар шағалланиб, замонавий кўринишга келяпти. Янги бинолар қад ростлапти. Ҳашар орқали аҳоли томорқаси ҳайдалиб, дарахт-



ДОЛЗАРЪ МАВЗУ СЕССИЯ КУН ТАРТИБИДА



“Маҳалла пресс-клуби”нинг иккинчи сессияси “Маҳалла раислари ваколатлари, уларнинг зиммасидаги вазифалар” мавзусига бағишланди. Унда янги қонун билан маҳалла раислари ваколат муддати узайтирилгани сабаблари муҳокама қилинди.

Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси масъуллари, соҳа мутахассислари иштирокида маҳалла раислигига номзодлар танлашда мезонлар ишлаб чиқилди, раис ишига ташқаридан аралашувларга нега йўл қўйилмоқда, йиғин раисларининг бюджет маблағларини тақсимлашда тажрибаси етарлими, каби саволларга жавоб изланди.

— Ўйлайманки, сессияда муҳокама қилинган мавзу ва унинг доирасида билдирилган фикрлар барча “еттилик” ходимлари учун

фойдали бўлди, — дейди Учтепа туманидаги “Учтепа” маҳалласи раиси Мухтор Илҳомов. — Жумладан, тизимга боғлиқ муаммо ва камчиликларни ҳал этишда маҳалла раиси ташкилотчи, ташаббускор бўлиши лозимлиги алоҳида қайд этилди. Шу сабабли сайловда аҳолининг фаол иштирокини таъминлаш, муносиб номзодга овоз бериш кераклиги таъкидланди.

Экспертлар “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги ва “Фуқаролар йиғини раиси сайлови тўғрисида”ги қонунларга киритилган ўзгаришлар ва қўшимчалар ҳақида батафсил маълумот беришди.

МЕНДА САВОЛ БОР...

МАҲАЛЛА РАИСЛАРИ САЙЛОВИДА ҚАНДАЙ ОВОЗ БЕРИЛАДИ?



Диёрбек ЛУТФУЛЛАЕВ, Данғара тумани:

— Жорий йилнинг май ойида маҳалла раислари сайлови ўтиши белгиланди. Ушбу сиёсий жараёнда овоз беришни ўтказиш қандай тартибда амалга оширилади?

Баҳром КУШБАКОВ, Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси масъул ходими:

— “Фуқаролар йиғини раиси сайлови тўғрисида”ги қонунга кўра, овоз бериш ўтказилаётганда фуқаролар йиғини (фуқаролар вакилларининг йиғилиши) иштирокчиларига сайлов бюллетенлари санок комиссияси томонидан берилди.

Бюллетенга фуқаролар йиғини раиси лавозимига номзодларнинг фамилияси, исми, отасининг исми алифбо тартибда киритилади. Фуқаролар йиғини раисини сайлашда бюллетенларни бериш беvosита овоз беришдан олдин бошланади.

Бюллетень овоз берувчи томонидан яширин овоз бериш кабинасида ёки хонасида тўлдирилади. Овоз берувчи ўнг томонда ўзи ёқлаб овоз бераётган фуқаролар йиғини раиси лавозимига номзоднинг фамилияси қаршисида жойлашган бўш катакка «+», «-» ёхуд «х» белгисини қўяди. Тўлдирилган бюллетенни сайлов қутисига ташлайди. Сайлов қутилари овоз бериш тугаганидан кейин санок комиссияси томонидан очилади. Сайловда иштирок этиш учун овоз берувчиларга таклифнома тарқатилади.

“Қуёшли хонадон” қандай фойда келтиради?

Тизимизда “Қуёшли хонадон”, “Қуёшли маҳалла” атамалари ўрфга кира бошлади. “2023 йилда қайта тикланувчи энергия манбаларини ва энергия тежовчи технологияларни жорий этишни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Президент қарори асосида 2023 йил 1 апрелдан бошлаб, аҳоли хонадонларига кичик қувватли қуёш панеллари ўрнатишни рағбатлантириш бўйича “Қуёшли хонадон” дастури амалга оширила бошланди.

Зоир КЕНЖАЕВ, Энергетика вазирлиги ҳузуридаги қайта тикланувчи энергия манбалари миллий илмий тадқиқот институти катта илмий ходими.


Бугун ушбу ташаббусни амалда татбиқ қилган фуқаролар сонини ортиб борапти. Янгигер туманидаги “Фазилат” маҳалласида истиқомат қилувчи Ни Виктор хонадонида 15 кВт қувватли кичик қуёш фото электр станциясини ўрнатган эди. У айни кунда ушбу станция орқали ишлаб чиқарилган электр энергиясининг ўз эҳтиёжларидан олган қисmini худудий электр тармоқлари қорхонасига сотиб, ойига 3 миллион сўмдан кўпроқ даромад қилапти.

Дарҳақиқат, юртимизда йилнинг 300 кундан ортиғи қуёшли бўлиб, қуёш энергиясининг техник салоҳияти 265,9 миллион тонна шартли ёқилғини ташкил қилиши бу имкониятдан оқилона фойдаланиш заруратини юзага келтиради.

Мавзу бўйича гап кетганда, турли мунозарали фикрлар янграмоқда. Бир гуруҳ фуқаролар унинг афзаллигини эътироф этса, айримлар аксинча муносабат билдиряпти. Аслида, қуёш панелидан фойдаланиш ҳам экологияга, ҳам оила бюджетига фойда. Фақат бунинг учун сифатлисини танлай олиш ва тўғри ўрнатиш лозим.

Қуйида қуёш фотоэлектрик станцияларини ўрнатишда эътибор бериладиган муҳим тавсиялар билан ўртоқлашамиз.

Биринчи навбатда сифатли қуёш панелини танлаш керак. Бу босқичда “Қайта тикланувчи энергия манбалари асосида энергия таъминотини ташкил этиш соҳасини тартибга солиш ва ривожлантириш тўғрисида”ги Вазирлар Маҳкамаси қарорига кўра, махсулот сифат сертификатига эгаллигини текширинг, ҳужжатсиз махсулот сотиб олманг! Махсулотни қўшимча тарзда институтимизда ташкил этилган лабораторияда текширувдан ўтказиб олса



Қуёш панелидан фойдаланиш ҳам экологияга, ҳам оила бюджетига фойда.

бўлади. Танлов жараёнида чиқиш токи, ток кучи, қучланиши, самарадорлиги, босимини кўтариши каби омиллар эътиборга олинмиш лозим. Ҳарорат кўрсаткичи 22 Ҷоиздан юқори бўлган қуёш панелини сотиб олиш тавсия этилади.

Яна бир муҳим жиҳати — ҳарорат коэффициенти ҳисобланади. Одатда бу омил

қуёш панелларига тескари таъсир этади. Масалан, иссиқлик 25 даражадан юқорига

кўтарилган сари, самарадорлик тушиб боради. Шунинг учун Ўзбекистон шароитида самарадорлиги 0,34–0,35 Ҷоиздан кўп бўлган панелларни олмаслик керак. Чунки ёз фасли иссиқ бўлгани учун энергия йўқотиш ҳажми ошиб кетади.

Энг муҳими — нарх ва сифат мутаносиблигига қаранг! Эски, арзон нархдаги махсулотларга алданиб қолманг. Мамлакатимиз иқлим шароитига мос қуёш батареяларини ўрнатиш баробарида сифатли инвертор, кабель танланг.

Яна бир жиҳат — тўғри ўрнатиш. Агар малакали мутахассис бу ишни бажармаса, натижа қутилгандек бўлмайди. Кейинги пайтда, асосан, мана шу жараёндаги хатоликлар сабабли истеъмолчиларда қуёш фотоэлектрик станцияларга нисбатан салбий фикр шаклланипти.

Хулоса сифатида айтганда, жараёни тезлатиш учун эътиборсизлик қилинса, самарадорлик тушиб кетади. Бу эса иқтисодий ва экологик фойдали ташаббусни шубҳа остига қўяди.



“Банклардаги
ОМОНАТЛАРНИ ҲИМОЯ
ҚИЛИШ кафолатлари
тўғрисида”ги қонун
қабул қилинди.



ҲУКУМАТ ҚАРОРИ билан
Ягона етказиб берувчилар
реестрига киритиш бўйича
давлат хизматларини
кўрсатиш тартиби
белгиланди.



Президент
қарорига кўра,
2025-2027 йилларда
“ЁШЛАР БИЗНЕСИ”
дастури амалга
оширилади.

МЕНДА САВОЛ БОР...

“КИМГА МУРОЖААТ ҚИЛСАМ БЎЛАДИ?”

Носиржон
БОБОЕВ.
Чилонзор
тумани.

— Маҳалла-
мизда бир
қанча ишлаб
чиқариш
корхоналари
мавжуд. Та-
бийки, улар-
дан экология-
га зарарли
моддалар
тарқалади.
Шу кунларда
кечаси нохуш
хид тарал-
иб, барчани
безовта
қилляпти. Бун-
дай вазиятда
қайси давлат
органига
мурожаат
қилиш лозим?

Аброрбек
ЭЪЗОЗХОНОВ,
“Мадад” ННТ
хукукшуноси:

— Мазкур ҳолат со-
дир бўлганда, аввало,
фуқаролар йиғинига
мурожаат қилинади.
Шундан келиб чиқиб,
маҳалла ходимлари
сизни ва бошқа аҳоли
вакиллариининг манфа-
атлари юзасидан хо-
латни бартараф этиш
чорасини кўради. Ёки
бартараф этиш учун
ваколатли ташкилотга
сўров юборади.
Ўзбекистон Рес-
публикасининг
“Чикиндилар тўғриси-
да”ги қонунига асосан,
Ўзбекистон Респуб-
ликаси Экология,
атроф-мухитни муҳо-
фаза қилиш ва иқлим
ўзгариши вазирлиги
чиқинди билан боғлиқ
ишларни амалга
ошириш тўғрисидаги
қонун ҳужжатлари
талабларига риоя эти-
лиши устидан давлат
назоратини амалга
оширади. Бундан
ташқари, махсус ва-
колатли давлат орган-
ларининг фаолиятини
мувофиқлаштириб
боради.
Ўзбекистон Рес-
публикаси Соғлиқни
сақлаш вазирлиги
фуқаролар ҳаёти ва
соғлигини чиқин-
диларнинг зарарли
таъсиридан муҳофаза
этиш чора-тадбирла-
рини белгилайди.
Ҳолат юзасидан
ҳар икки давлат орга-
нига мурожаат қилиш
ва муаммага ечим
топиш мумкин.



ТАЖРИБА

“БИЗНЕСГА БИРИНЧИ ҚАДАМ” БИЛАН ТАДБИРКОРЛИК РИВОЖЛАНЯПТИ



Дилшод НОРБОВЕ,
Янгибозор туманидаги
“Дўстлик” маҳалласи
ҳоким ёрдамчиси.

Дилноза
Бўронова
мусофирлик
машаққати нелигини
яхши билади. Бир неча
йиллардан бери оиласи
билан хорижда меҳнат
қиларди. Йўрт соғинчи,
яқинлари дийдорига
зор бўлган пайтларида
ватанга қайтишни кўп
ўйларди. Утган йили
“маҳалла еттилиги”
ходимлари у билан
боғланиб, бир неча
тақлиф берганимизда,
ҳеч иккиланмай ортга
қайтди.

Имтиёзли кредит
олиб, бу маблағга
умумий овқатланиш
шоҳобчаси очди. Нати-
жада ўзи ва оиласидан
ташқари, яна 3 та иш
ўрни яратди. Нафақат
ишли бўлди, балки иш
берувчи тадбиркорга
айланди.

Гувоҳи бўлганин-
гиздек, миграциядан
қайтган фуқароларнинг
бандлигини таъмин-
лашга алоҳида эътибор
беряпмиз. Бу борада
ўзига хос тажриба тўп-
лаганмиз. 2024 йилдаги
хатловда 219 нафар

фуқаро хорижга ишлаш
учун кетгани аниқлан-
ган эди. Улар билан
индивидуал иш олиб
бордик. Урганишларда
50 нафари мос иш ўр-
нига эга бўлмагани ёки
кам даромад топаётгани
маълум бўлди. Шундан
кейин тадбиркорлик
йўналишида яратилган
имконият ва имтиёзлар
ҳақида тушунтирдик.

Харакатларимиз
натижасини беряпти.
Дилнозадан ташқари,
ватанга қайтган Хурши-
да Матёқубова доимий
ишга жойланди. Бобур
Собиоров ва Иззат
Йўлдошевга “Бизнесга
биринчи қадам” лойиҳа-
си доирасида имтиёзли
кредит ажратилди. Ҳар
иккаласи хизмат кўрса-
тиш соҳасида фаолияти-
ни йўлга қўйди. Динора
Эшжоновна хорижда
ишлаб юрарди. Юрти-
мизга қайтгач, оилавий
даромадини ошириши
учун 100 миллион сўм
имтиёзли кредит эгаси
бўлди. Учта янги иш
ўрни яратди.

Яшаш манзилига
қайтиб келганларнинг
муносиб иш топишига
қўмаклашиш мақсади-
да ижара асосида ер
майдонлари ажратиб
берилляпти. 2024 йилда
38 нафар фуқарога 25
сотихдан ер тақсимлан-

ди. Уларнинг 11 нафари
миграциядан қайтган
ёшлар.

Асилбек Эркинов,
Нодирбек Йўлдошев ва-
тандан олисда, ота-она
ва яқинлар меҳр-эъти-
боридан узоқда яшаб
келарди. Кучга тўлган
пайтда ўзга юртда
қора меҳнатда пул
топишга мажбур эди.
2024 йилда юртимиз-
га қайтиб келди. Ҳар
икковига 25 сотихдан
ер ажратилди. Ҳозир бу
майдонда полиз экин-
лари етиштириб, йилига
60-70 миллион сўм
даромад топяпти.

Яна бир жиҳат —
фуқароларни чет элга
тартибли, хавфсиз
жўнатиш мақсадида “Хо-
рижга иш — маҳалладан”
тамоийли йўлга қўйил-
ган. Шу асосида ёшлар
етақчиси билан ҳамкор-
ликда уларни аниқлаб,
“Онлайн маҳалла” пла-
формасига киритяпмиз.
Касбий малакаси йўқ
ва хорижий тилларни
билмайдиганлар касбга
йўналтирилиб, тил ўрга-
тиляпти.

Бир сўз билан айт-
ганда, фуқароларни чет
элда ишлашга тартибли
ва хавфсиз жўнатиш
баробарида, юртимизга
қайтганларнинг банд-
лигини таъминлашга
эришиляпти.

МАҲАЛЛАДА
НИМА ГАП?

КУЛУПНАЙДАН КАНДДЕК ДАРОМАД

Учкўприк туманидаги
“Ҳасанқора”
маҳалласида ҳар
қарич ердан унумли
фойдаланиб,
мўмай даромад
топаётган фуқаролар
кўпчилиқни ташкил
этади. Чунки ҳудудда
томорқадан самарали
фойдаланиш,
иссиқхоналар ташкил
этиш, йилнинг
исталган фаслида
маҳсулот етиштириш
борасида илғор
тажриба яратилган.



Кишлоқ аҳолисининг акса-
рияти эртанги сабзавот кў-
чатлари етиштириш билан
шугулланади. Ҳар йили босқич-
ма-босқич 10 миллион донага
яқин сабзавот кўчатлари кўшни
туман ва вилоятларга етказиб
берилляпти. Бугунги кунга ке-
либ, маҳаллада 350 дан зиёд
томорқа эгалари кўчатчилик би-
лан банд.

Фазлуллоҳ Ҳайдаров то-
морқадан унумли фойдаланиб
келаётган ҳамюртларимиздан.
Ёшлигидан турли сабзавот кўчат-
лари етиштириш билан шугул-
ланади. Миришкор томорқачи
ўтган мавсумда янги ташаббусга
кўл урди. Корея технологияси
асосида гидропоника усулида
4 сотихли иссиқхона ташкил
эти. Бу ерга 7,5 минг туп ку-
лупнай кўчати экди. Айни
кунда кулупнайнинг килоси
150-200 минг сўмдан сотил-
ляпти. Тадбиркор бир мавсумда
ҳосилни 3 тоннага етказиб,
300 миллион сўмга яқин даро-
мад олишни кўзляпти.

Сатторхўжа АҚБАРОВ,
Ўзбекистон
маҳаллалари уюшмаси
Учкўприк тумани
бўлими бошлиғи.

ТОМОРҚА МАКТАБИ

Павловния қандай кўпайтирилади?

Бугунги куннинг
долзарб мавзуси
аҳолининг
сифатли ҳаёт
кечирishiини
таъминлашдан
иборат.

Шухрат ОТАЖОНОВ,
Кишлоқ хўжалигида билим ва
инновациялар миллий маркази
директори.

Бу нафақат иқтисодий кўр-
саткичлар билан, балки
маънавий эҳтиёжларни
қондириш, экологик муҳитни
яхшилаш, саломатликни
асраб-авайлаш билан боғлиқ
масаладир.

“Яшил макон” умуммиллий
лойиҳасининг амалга оши-
рилиши айни шу мақсадни ўз
ичига қамраб олади. Лойиҳа
доирасида йилига 200 миллион
туп дарахт ва бута кўчатларини
экиш, шу орқали шаҳарлардаги
яшил майдонларни кенгайтириш
белгиланган. Энг катта вазифа
— ана шу дарахт кўчатларининг
яшовчанлигини таъминлаш. Бу
жараёнда унинг иқлимга мосли-
ги, сувга талабчанлиги инобатга

олинмаса, натижа кутилганидек
бўлмайди.

Куйида павловния дарахти
қандай кўпайтирилиши ҳақида
маълумот берамиз. Ушбу дарахт
тури уруғдан, қаламчасидан, био-
технологик усулда лаборатория
шароитида кўпайтирилади. Энг
яхши экиш муддати — декабрь
ойи. Бу муддатда қадалган уруғ-
дан униб чиққан ниҳол февраль
ойида контейнерларга кўчири-
лади. Март-апрель ойларида
ниҳолларнинг бўйи 20-25 см.га
етиб, очик далага экишга тайёр
бўлади.

Сувни яхши кўради, шунинг
учун серсув жойда ўстириш
керак. Кенг майдондаги тупроқда
ўсаверади. Павловнияни қаерга
экиш мумкин эмас? Ушбу да-
рахтни етиштиришдаги чек-
ловчи сабаблар — тез ўсиши,
ўлчамининг катталиги, ўта кучли
илдизи ҳисобланади. Шунинг
учун хонадондаги боғ ҳудудига,

пойдевор ёки уйнинг ёнига экиш
тавсия этилмайди. 6 сотихгача
бўлган уй-жойларга ўтқазиб
тўғри танлов эмас. Чунки илди-
зи тўғри бўлса ҳам, горизонтал
тарзда ўсгани учун пойдевор ва
йўлакларни бузиб, зарар келти-
риши мумкин.

Уни очик далаларда план-
тация кўринишида асосий экин
ҳолида, бошқа экинлар орасида
ёки бошқа ўсимликлар экилган
очик дала атрофида ўстирса
бўлади. Бундан ташқари, исти-
роҳат боғи, йўллар, трассалар,
темир йўл четлари, кафе, дўкон-
лар, янги қурилган иншоотлар
атрофида зеб беради.

Ушбу дарахт кучли сирт илдиз
тизимига эга. Парвариши мева-
ли дарахтларникидан унчалик фарқ
қилмайди. Истаганча суғориш
мумкин. Катта майдонга экилган-
да кейинги йили баҳорда илдиз
тизимини кесиб ташлаш лозим.
Шунда мустаҳкам бўлади.





Ёшлар
тадбиркорлигини
ривожлантириш
давлат МАҚСАДЛИ
ЖАМЎРНАСИ
ташкил этилади.



Ҳукумат қарори билан
Хоразм вилояти
шоли етиштирувчиларига
техника сотиб олиш ва
ерларни текислаш учун
СУБСИДИЯ БЕРИЛАДИ.



Сенаторлар боғ,
хийбон ва сайилгоҳларни
хусусийлаштиришни
ТАКИКЛОВЧИ
ҚОНУННИ
маъқуллади.

4

№14 | 2025 йил 22 ФЕВРАЛЬ, ШАНБА

Mahalla

СОЛИҚЧИ – КЎМАКЧИ

КАМБАҒАЛЛИКДАН
ФАРОВОНЛИК САРИ

Қўшқўпир туманида “Камбағал-
ликдан фаровонлик сари” дасту-
ри доирасида 87 нафар вилоят
ва туман миқёсидаги ташкилот
раҳбарларига 435 та ижтимоий
ҳимояга муҳтож оила бирикти-
рилган. Бугунги кунгача мазкур
хонадонлар билан тизимли иш
ташкил қилиниб, белгиланган
йўналишларда қўллаб-қувватлан-
моқда.

УЮШМА
МАСЪУЛЛАРИ
КЎМАГИ КЎП
БЎЛЯПТИ



Барқарор бандлик йўналишида
1 133 нафар фуқаро рўйхатга
олинган бўлса, ҳозирда 935 нафа-
рига ёрдам кўрсатилган.

Камбағал оила фарзандларини
таълим ва касб-хунарга йўналтириш
масаласида 480 нафар фуқародан
414 нафарига амалий кўмаклашилди.
Шунингдек, ижтимоий хизматлар
кўрсатилиши белгиланган 598 нафар
фуқаронинг 494 нафарининг мурожаати
ижобий ҳал қилинди. Дастур доираси-
да 176 та оиланинг яшаш шароитини
яхшилаш мақсадида турли таъмирлаш ва
қурилиш маҳсулотлари етказиб берилди.
Жумладан, “Янгилик” маҳалласида 20 та
оилага бир қатор йўналишларда ижтимо-
ий кўмак берилган. Расулбек Ражабов
2 йил муқаддам бахтсиз ҳодисага учра-
ган. Ҳозирда 2-гурӯх ногирони. У ўз уйи-
да қорамол боқиш истагини билдиргач,
кредит ажратилди, раффакси касб-ху-
нарга ўқитилиб, маҳалласида тикувчилик
йўналишида бандлиги таъминланди.
Фарзандларининг қўшимча тўғарақларда
таълим олиши ва уй таъмирида ёрдам
кўрсатилди. Сафарот ота Полвонов хо-
надонида ҳам шу каби таъмирлаш ишлари
бажарилиб, бир қатор йўналишда ёрдам-
лар кўрсатилган.

– Турмуш ўртоғим билан ёлғиз яшай-
миз, – дейди **Олтиной Бобоева**. – Бир
нафар қизим турмушга чиқиб кетган.
Бизнинг хонадонда Маҳаллалар уюшмаси
Хоразм вилояти бошқармаси бошлиғи
Одилбек Ортиқов масъул. Уйимизни таъ-
мирлаш, қурилуш материаллари етказиб
бериш, коммунал тармоқдаги муаммола-
римизни ҳал қилишда ёрдам кўрсатилди.

Хатлов жараёнида Ҳайрат Рўзметов
хонадонига мототранспорт зарурлиги
аниқланган эди. Ҳозирда оила ундан
унумли фойдаланмоқда. Бу хонадонда
ҳам таъмирлаш ишлари бажарилди.
Шукржон Йўлдошева тикувчилик қилиш
истагини билдиргач, унга амалий кўмак
берилди.

– Тикувчиларга қизқардим. Ниятимни
билишгач, менга касб-хунарга ўқиш учун
йўлланма беришди, – дейди **Шукржон
Йўлдошева**. – Ўқилиш тугатиб, суб-
сидияга тикув машинаси олдим. Ҳозир
кўни-қўшилларнинг қийматларини тикиб,
даромад тоялман.

Бу каби фуқаролар билан манзил-
ли ишлаш давом этапти. Пировардида,
камбағаллик реестрига киритилган ои-
лалар нафақат моддий, балки маънавий
қўллаб-қувватланипти. Уларни жамият
хаётига жалб қилиш, уй-жойида файзли
муҳит яратиш, доимий меҳнат ва мақсад
билан яшашлари учун комплекс тарзда
кўмак берилляпти.

Латофат ЮСУПОВА,
Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси
Хоразм вилояти бошқармаси
матбуот котиби.

“Ўсиш нуқта” ҳам иш ўрни, ҳам тушумни оширяпти



Зариф КЕЛДИЁРОВ,
Қашқадарё вилояти
Солиқ бошқармаси
бош инспектори.

Аҳоли ўртаси-
да солиқ
қонунчилиги-
нинг мазмун-
моҳияти тушунтирил-
япти.

Солиқ инспектор-
ларининг “маҳалла-
бай” ишлаши натижа-
сида тадбиркорлар
сони ортиб, солиқ
тушумлари кўпайди.
Бўш турган бино ва
ер участкалари ишга
туширилиб, янги иш
ўринлари яратилляпти.
Узини ўзи банд қилган
фуқаролар тадбир-
корлик субъекти си-
фатида иш бошляпти.
Бир сўз билан айт-
ганда, бугунги кунда
солиқ инспекторлари
“маҳалла етичилиги”-
нинг иқтисодий таян-
чи бўлиб, ҳудуднинг
“ўсиш нуқталари”ни
аниқлаб, солиқ тушум-
ларини кўпайтиряпти.

Солиқ тизимидаги
бундай ўзгаришларни

Чироқчи туманидаги
“Ўзбекистон”, “Бара-
ка”, “Боғи Шамол” ва
“Паканди” маҳалла-
лари солиқ инспек-
тори Рустам Расулов
фаолияти мисолида
айтишимиз мумкин.
Ушбу ҳудудларда ўт-
ган январь ойининг
ўзида юридик шахс-
лар сони 9 тага, яқка
тартибдаги тадбир-
корлар 3 нафарга,
деҳқон хўжалиғи
3 тага ошган. Натижа-
да 20 та янги иш ўрни
яратилди. Ушбу ойда
режадаги 214 милли-
он сўм солиқ тушуми
84 миллион сўмга ор-
тиғи билан бажарил-
ди. Ўтган йили тўртта
маҳаллада 400 мил-
лион сўм, ҳар бири-
да 100 миллион сўм
маблағ қолган. Энди-
ликда ушбу маблағлар
эвасига маҳаллалар-
даги ижтимоий-иқти-
содий муаммолар ҳал
этилиб, янги иш ўрни
яратилади, аҳоли фар-
ровонлиғига хизмат
қиладиган лойиҳалар
амалга оширилади.

– Менга бирикти-
рилган “Паканди” ва
“Барака” маҳаллалари

аҳолиси деҳқончилик
билан шуғулланади.
Улар помидор, бодринг,
булғор қалампир каби
кўчатлар етиштириб,
бутун вилоят бўйлаб
етказиб беришади, –
дейди солиқ инспек-
тори Рустам Расулов.
– “Боғишамол” ва “Ўз-
бекистон” йиғинлари
туман марказига яқин
ҳудудда жойлашгани
учун кўпроқ тадбир-
корлик ривожланияпти.
Ҳозирда турли ишлаб
чиқариш корхонала-
ри, мебель цехи, ав-
тотранспортларга
техник хизмат кўра-
сатиш шохбачалари

118 тани, жисмоний
ташкил этади. Яқка
тартибдаги тадбир-
корлар 387 нафар, ўзи-
ни ўзи банд қилганлар
1 736 нафар, деҳқон
хўжаликлари сони
98 та бўлса, мол-мулк
ва ер солиғи ҳамда
декларация асоси-
да солиқ тўловчилар
сони 4 840 нафардан
иборат.

Келгусида режа-
лар кўп. Улардан бири
– тадбиркорлар сони-
ни янада кўпайтириб,
солиқ тушумларини
оширишдир. Бу борада
имконият ва шароит-

Рустам Расулов ўт-
ган ойда белгиланган
кўрсаткичларни би-
ринчилардан бўлиб,
139 фоизга бажарди.
Бюджетга қўшимча
маблағларни жалб
этиб, ҳаммага намуна
бўлаётгани учун Солиқ
қўмитаси раҳбарияти-
нинг ташаккурномаси
билан тақдирлиниб,
иш ҳақиға нисбатан
200 фоиз устам олдди.

Хулоса ўрнида айт-
ганда, “маҳаллабай”
ишлаш тизими ходим-
ларнинг меҳнат унум-
дорлигининг ортиси-
га, солиқ тушумларини
ўз вақтида бюджетга



ҳамда новвойхоналар
бор. Бугунги кунда ум-
мий солиқ тўловчилар
сони 7 179 та бўлиб,
шундан юридик шахс

лар мавжуд. Айниқса,
кўчатчилик билан
бирга, деҳқончилик-
нинг бошқа турлари
ривожлантирилади.

жалб этилишига асос
бўляпти. Энг муҳими,
аҳолига тўри йўл кўра-
сатилиб, даромадли
қилиняпти.

ХАБАРДОРМИСИЗ?



Юридик шахс-
лар мол-мулк
соллиғи ҳисоботи
нинг йилда
бир марта,
солиқ ҳисоботи
давридан ке-
йинги йилнинг
1 мартидан
(2025 йил
1 март дам
олиш (ш.ан-
майдисан)
кунига тўғри
келяпти. Ҳис-
оботи тақдир
этиш охириги
муддати
3 мартга
қўйиляпти)
кечиктирмай
кўчмас мулк
жойлашган
ердаги солиқ
органларига
тақдим этади.

Бу жараёнда
солиқ ҳис-
оботи кўчмас
мулкнинг
ўртача йиллик қолдиқ
қийматидан келиб
чиқиб тўдирилади.

Кўчмас мулкнинг
қолдиқ қиймати мол-
мулкнинг бошланғич
(тикланиш) қиймати
билан солиқ тўловчи-
нинг ҳисоб сифатида
белгиланган усуллар-

дан фойдаланилган
ҳолда ҳисоблаб
чиқилган амортиза-
ция миқдори ўртаси-
даги фарқ сифатида
аниқланади.

Солиқни ҳисоб-

лаш мақсадида кўч-
мас мулкка бўлган
ҳуқуқларни давлат
рўйхатидан ўтказувчи
органларда рўйхат-
дан ўтказилиши лозим
бўлган бинолар ва ин-
шоотларга нисбатан
солиқ базаси 1 квадрат
метр учун мутлақ миқ-
дорда белгиланган энг
кам қийматдан паст
бўлиши мумкин эмас.
ҚҚС ва АОС тўловчи-
лари учун 2024 йил
бўйича 10403, 14-сон-
ли ҳисобот шакли
my.soliq.uz порталига
жойлаштирилган.

Барча турдаги
кўчмас мулкларнинг
ўртача йиллик қол-
диқ қиймати тўғри-
сидаги маълумотлар
my3.soliq.uz портали
“Алоҳида солиқ ставка-
лари қўлланиладиган
кўчмас мулк объектла-
ри ва ер участкалари”
хизматининг 6-бўли-

мида шаклланади.
Мол-мулк солиғи
ҳисоботи ва маълум-
отнома шакллари
тўдиришда солиқ
хизмати органла-
ри мутахассислари
ишлаб чиққан қўллан-
малардан фойдала-
ниш тавсия этилади.

Эслатиб ўтамиз,
солиқ даврида солиқ
бўйича бўнақ тўлов-
лар суммаси солиқ
ҳисоботида кўрсатил-
ган бюджетга тўла-
ниши лозим бўлган
солиқ суммасига
нисбатан 10 фоиздан
ортиқ камайтирилган
тақдирда, солиқ ор-
гани бўнақ тўловларни
солиқнинг ҳақиқий
суммасидан келиб
чиқиб, пеня ҳисобла-
ган ҳолда қайтадан
ҳисоблаб чиқади.

Солиқ қўмитаси
Ахборот хизмати.

СЎРАГАН ЭДИНГИЗ...

Сув солиғи қандай ҳисобланади?

Нуриддин ХУШБОҚОВ.
Сурхондарё вилояти:

– Эшитишимча, балиқчилик
хўжаликлари сувни тежайдиган
қурилмалар жорий қилса,
имтиёзлар бериш экан.
Айтингчи, бу йил сув солиғи
қандай ҳисобланади?

Музаффар НАЗАРОВ,
Солиқ қўмитаси
бошқарма бошлиғи
ўринбосари:

– Жорий йилда қиш-
лоқ хўжалиғи корхо-
налари ва балиқчилик
хўжаликлариға сув ре-
сурсларидан фойдалан-
ганлик учун солиқ став-
каси ўзгаришсиз қолди –

1 куб метр учун 100 сўм.
Суворишда сув тежайди-
ган технологиялар жорий
қилинганда ва сув ўлчас
ускуналаридан фойда-
ланганда камайтирувчи
коэффициент қўллани-
лади (0,5 ёки 0,7), яъни
100 сўм ўрнига 1 куб
метр учун солиқ тўлов-
чилар 50 сўм ёки 70 сўм
тўлашга ҳақли.



Мақсад – сувнинг
ҳисобини юритиб, сув-
дан тежамакорлик билан
фойдаланган қишлоқ хў-
жалиғи корхоналари ёки
балиқ етиштирувчилар-
ни рағбатлантириш. Агар
бундай технологиялар
ва қурилмалар мавжуд
бўлмаса, солиқни ҳисоб-
лашда 1,1 оширувчи ко-
эффициент қўлланилади.



2024 йилда судьялар фаолиятига аралашish ҳолатлари бўйича 3 та ЖИНОЯТ ИШИ қўзғатилди.



Ўзбекистонликлар Хотин-қизлар байрами муносабати билан 8, 9 ва 10 март кунлари ДАМ ОЛАДИ.



Қурилиш майдонида чанг ва кум заррачаларининг ҳавога кўтарилишини бартараф этмаган мансабдор шахсларга ЖАРИМА СОЛИНАДИ.

ОБОД МАҲАЛЛА

“БЎСТОН” МАҲАЛЛАСИДА ПИЁДАЛАР ЙЎЛАГИ ҚУРИЛДИ

Янгийўл шахрининг барча маҳаллаларида кенг қўламли ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари уюшқоқлик билан олиб борилмоқда.



Жумладан, “Бўстон” маҳалласидан “Ҳилол” масжидига бораверишдаги катта йўл бўйлаб пиёдалар йўлаги қурилди. Маҳалла раиси Қодир Дўстматов ҳамда саҳоватпеша тадбиркорларнинг ташаббусларини қўллаб-қувватлаган йиғин аҳолиси бир ёқадан бош чиқариб, йўлак қурилишида жонбозлик кўрсатди. Ҳашарчилар учун дошқозонда ош дамланиб, имом бошчилигида қўллар дуога очилди. Эндликда бу йўлакдан юрган ёшлар мактабга, кексаларимиз эса масжидга хавфсиз қатнайди.

Бундай хайрли ишлар Нурафшон шаҳри ва Пискент туманидаги маҳаллаларда давом этди.



Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси Тошкент вилояти бошқармаси.



Ўтган йили биринчи марта аёл профилактика инспектори сифатида “Хоразм тажрибаси” мисолида ушбу маҳаллага тайинландим. Бундан олдин хотин-қизлар ҳамда вояга етмаганлар бўйича ишлаб, тажриба орттирганим учун бу йўналишда ишлаш унчалик қийинчилик туғдирмади. Қолаверса, “маҳалла еттилиги” аъзолари жуда ҳамжиҳат, ҳамкорлиги мустаҳкам. Турмуш ўртоғим ҳам ички ишлар тизимида ишлагани учун қўллаб-қувватлаб келяпти.

ПРОФИЛАКТИКА ХУДУДИ

Севинч БОЗОРБОВЕВА, Қўшқўпир туманидаги “Месит” маҳалласи профилактика инспектори.



Асосий мақсадимиз — жиноятчиликнинг олдини олиш, фуқаролар оқойишталиги ва хавфсизлигини таъминлашдир.

Қўшқўпир тумани марказида жойлашган ушбу маҳаллада икки мингдан ортиқ аҳоли яшайди. Уларнинг асосий қисми ҳудуддаги ёғочбозорда савдо-сотиқ ишлари билан шуғулланади. Маълум қисми чет элда меҳнат қилади. Қувонарлиси, йиғин беш йилдан буён жиноятдан холи ҳудуд — “яшил” тоифада. Ҳўш, бунга қандай эришилмоқда?

Бу борада ҳудудда ўзига хос тизим яратилган. Аввало, ишсиз фуқароларни ишга жойлаштириш, даромадли қилиш чоралари кўриляпти. Чунки ҳуқуқбузарликларнинг бош сабаби — ишсизликдир. Шу боис “еттилик” билан биргаликда аҳолининг яшаш шароитини “хонадонбай” ўрганиб, ижтимоий-маиший муаммолари фаоллар муҳокамасига қўйилиб, ижобий ҳал этиляпти. Ишсизлар иш берувчининг талабларидан келиб чиқиб, бўш иш ўринларига жойлаштириляпти. Уйда даромад

топишни истаган фуқароларга имтиёзли кредит, субсидиялар ажратилиб, бандлиги таъминланяпти. Кам таъминланган, оилада якка-ёлғиз боқувчи, ўзгалар парваришига муҳтож инсонларга ижтимоий ёрдамлар кўрсатилляпти. “Е-ijtimoiy profilaktika” ахборот тизими орқали оғир ижтимоий ахволга тушиб қолган, шунингдек, ҳуқуқбузарлик содир этиш ёхуд ундан жабрланиш эҳтимоли юқори бўлган фуқароларни аниқлаб, маҳалла раисига, ҳоким ёрдамчисига, хотин-қизлар фаолига ва ёшлар етакчисига ҳулосалар беряпман. Улар ушбу ҳулосалар ёрдамида фуқаролар билан тизимли ишлаб, тўғри йўлга қайтаряпти. Ўтган йили 8 нафар оила бекасига ҳимоя ордери берилиши орқали тинч-тотув яшаш таъминланди.

Ҳаёт давом этар экан, муаммолар ҳам бўлади. Шу боис жиноятдан холи ҳудудимиз, деб бепарво ўтирганимиз йўқ. Аввало, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, жамоат тартибини сақлаш ва хавфсиз муҳитни таъминлаш бўйича аҳоли билан доимий мулоқотда бўлиб, тарғибот тадбирларини ўтказаямиз. Уларни турли фирибгарликлар ҳақида огоҳлантириб, жиноятнинг салбий оқибатларини тушунтириб бораёямиз. Нотинч, жиноятчиликка мойиллиги бор ҳамда ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар билан манзилли ишляямиз.

Қолаверса, Президентнинг “2025 йилда республика маҳаллаларида хавфсиз муҳитни яратиш ва ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш тизими самарадорлигини янада ошириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарориди белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш учун “йўл харитаси” ишлаб чиқдик.

Асосий мақсадимиз — жиноятчиликнинг олдини олиш, фуқаролар оқойишталиги ва хавфсизлигини таъминлашдир. Шу боис келгусида қилинадиган ишлар кўп. Ҳусусан, маҳаллада хавфсиз муҳитни яратиш учун ҳозирги иккита замонавий видеокузатув қурилмаси етарли эмас. Шу боис уларни янада кўпайтириш зарур.

Яна бир муаммоли масала — ҳудуддан кесиб ўтувчи йўл таъмирталаб бўлгани учун тез-тез автоҳалокатлар содир бўляпти. Бу аҳоли, айниқса, қўшни маҳалладаги мактабга ушбу йўлдан ўтувчи ўқувчилар ҳаёти учун жиддий хавф туғдирмоқда. Бу масалада тегишли ташкилотларга тақлифлар киритилган, лекин ҳали амалий ишлар бошлангани йўқ. Маҳалла ҳудудида ёшларнинг бирор спорт тури билан шуғулланишлари учун зарур шароит йўқлиги сабаб, қўшни маҳалладаги спорт тўғарақларига қатналяпти. Агар бу ерда спорт майдони қурилса, ота-оналарнинг хавотирига ўрин қолмасди.

МЕНДА САВОЛ БОР...

Азиза ҚОСИМОВА. Тошкент шахри:

— Яқинда бир танишим жамоат тартиби ва хавфсизлиги тахдид солувчи ёлғон ахборот тарқатганлиги сабаб катта жаримага тортилибди. Айтинчи, бундай ёлғон хабар тарқатганларга қонунчилигимизда қандай жазолар белгиланган?

ЁЛҒОН АХБОРОТ ТАРҚАТГАНГА ҚАНДАЙ ЖАЗО БОР?



Севара ЎРИНБОВЕВА, Адлия вазирлиги ҳузуридаги Мултимедиа маркази раҳбари:

— Бугун глобал ахборот замонида яшаямиз. Ижтимоий тармоқларда инсон тарбияси ва хавфсизлигига тахдид солувчи кўплаб видео ҳамда тасдиқланмаган ахборотлар тарқатилляпти. Афсуски, айрим ёшлар бундай хабарларни билиб-билмай дўстларига ёки яқинларига улашиб, жавобгарликка тортиляпти.

Қонунчиликка кўра, жамоат тартибига ёки хавфсизлигига тахдид солувчи ёлғон ахборотни тарқатган шахс БҲМнинг 100 бараваригача (37 млн. 500 минг сўмгача) жаримага тортилиши мумкин. Шунингдек, ёлғон ахборот тарқатганлик учун маъмурий жавобгарликка тортилган шахс ушбу ҳуқуқбузарликка такроран йўл қўйса, БҲМнинг 200 бараваригача (75 млн. сўмгача) миқдорда жарима, 300 соатгача мажбурий жамоат ишлари, 2 йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ҳамда 2 йилгача озодлигини чеklang жазо чораларидан бири қўлланилиши мумкин.

Унутмаслик керакки, қонунни билмаслик жавобгарликдан озод қилмайди.

КЎЗГУ

Жарима балларини ҳисоблаш ишга тушади

Ўзбекистонда 2024 йил 9 364 та йўл транспорти ҳодисаси расмий рўйхатга олинган бўлиб, уларда 8 901 киши жароҳатланган, 2 203 киши ҳалок бўлган.

Рустам ЮСУПОВ.

2 минг 203 киши, бу — ДАҲ-ШАТЛИ РАҚАМ. Тинч мамлакатда бунча инсоннинг бевақт ҳаётдан кўз юмиши ҳар бир кишини уйлантириши керак.

Албатта, автоҳалокатларнинг олдини олиш бўйича маълум чора-тадбирлар амалга ошириляпти. Асосан, ҳайдовчиларни тайёрлаш, жарима миқдорини оширишга эътибор қаратилляпти. Яқинда қабул қилинган — “Йўл ҳаракати хавфсизлиги тизими такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал кодексларига ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига қўшимча ва

Ўзгартиришлар киритиш ҳақида”ги қонун ҳам билан янги тартиблар белгиланди.

Қонун билан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга киритилган қўшимчаларга кўра, жарима баллари ҳисоблаш амалиёти йўлга қўйилди. Ҳусусан, йўл ҳаракати қондабузарликлари бўйича ҳисобланадиган жарима баллари белгиланган миқдордан ошгани учун маъмурий жазо қўлланилади.

Белгиланган ҳуқуқбузарликлар содир этилгани учун транспорт воситасининг ҳайдовчисига нисбатан мазкур ҳуқуқбузарликларда назарда тутилган асосий жазо билан бирга, жарима баллари ҳисобланади. Бу жараёнда содир этилган ҳар бир ҳуқуқбузарлик учун ҳисобланадиган жарима балининг энг юқори миқдори 2 баллдан ошмаслиги керак.



Жарима баллари бир йил давомида 12 баллдан ошган ҳолларда, ҳайдовчи транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум қилинади.



Жарима баллари белгиланган ҳуқуқбузарликлардан бири биринчи марта содир этилган кундан эътиборан бир йил давомида ҳисоблаб борилади. Ҳуқуқбузарликлар учун ҳисобланган жарима баллари бир йил ўтгач, транспорт воситасининг ҳайдовчисидан автоматлаштирилган тарзда ечилади.

Ҳисобланган жарима баллари бир йил давомида 12 баллдан ошган ҳолларда, охириги содир этилган ҳуқуқбузарлик учун белгиланган тартибда қўшимча жазо тариқасида ҳайдовчи транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум қилинади. Бундай ҳуқуқдан маҳрум қилиш мuddати 6 ойдан кам бўлмаслиги белгиланди.

Бундан ташқари, сикилган табиий газда, суюлтирилган нефть газиди ёки дизель ва газсимон ёқилғи аралашмасида ишлайдиган транспорт воситаларидан фойдаланишда хавфсизлик қоидаларини, транспорт воситасида одам ташиш, транспорт воситаларини қуввиб ўтиш, йўл безорилиги учун

ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимларининг фото ва (ёки) видеотасвирини уларнинг обрўсизлантирилишига олиб келадиган тарзда бузиб тарқатганлик каби бир қатор жавобгарликлар белгиланди.

Шу ўринда бир мулоҳаза. Бундай жазоларни “автотеррорчилар” учун янада кучайтирилгани мақбул амал. Бироқ танганинг иккинчи томонини ҳам эътиборга олиш керак. Чунки ҳайдовчилар орасида таксичилик ортидан рўзгорини тебратётганлар оз эмас. Ҳайдовчилар йўл қоидаларини бузмасликлари учун, аввало, йўл инфратузилмасини, асосан, йўл белгилари, ётиқ чизиклар, пиёдалар ўтиш жойи, светофор ва автомобиллар тўхтаб туриш жойларини белгиланган тартибда ўрнатиш, таъмирлаш ва қуриш зарур.

Бир сўз билан айтганда, автоҳалокатларнинг олдини олиш бўйича тизимли ёндашув керак. Шундагина кутилган натижаларга эришиш мумкин.



Ўзбекистонда мактаб ўқувчиларига **ЭНЕРГИЯ САРФИ САВОДХОНЛИГИ** асослари ўргатилади.



Сенат фуқароларга кредит олишдан **ИХТИЁРИЙ РАВИШДА ВОЗ КЕЧИШ** ҳуқуқи берилиши ҳақидаги қонунни маъқуллади.



Сенаторлар Ўзбекистонда фуқароларнинг виждон эркинлигини таъминлаш ва диний соҳадаги давлат сиёсати **КОНЦЕПЦИЯСИНИ ТАСДИҚЛАДИ**.

ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ

Ҳар бир ишнинг ўз илми бор. Оддийгина уйда товуқ боқаман, деган киши унга қандай озуқа бериш, қайси шароитда парваришлашни билмаса, бекорга паррандаларни увол қилгани қолади. Чорвачилик ортидан даромад топаман, деган маҳалладошларимизни биламан. Лекин оғилхонага қорамолни боғлаб қўйгани билан бирини икки қила олишмаяпти. Сабаби яна ўша гап, бу борада ҳеч қандай маълумотга эга эмас.



МУҲТОЖ ОДАМ КЎМАК ИЗЛАБ КЕЛАДИ, ҚУРУҚ ҚАЙТГАНИ ЭМАС...

Шаҳзоджон САИДУМУРОВ, Жумбой туманидаги “Эски Жомбой” маҳалласи ижтимоий ходими.

Иш жараёнида хонадонларга кирар эканман, биринчи навбатда, шароити оғир, эҳтиёжманд оилаларнинг нима учун бу ҳолатга тушиб қолганини ўрганаман. Айримлари ўтган йили ҳоким ёрдамчисининг ташаббуси билан олиб берилган товуқни эплай олмай нобуд қилган. Бошқалари чорва молларини уддалай олмай қийналиб юрибди. Шундай кишиларни кўрганда, соҳа бўйича кўпроқ ўз устида ишлашни, тажрибали кишилардан сўраб-суриштириш кераклигини тушунтираман. Маҳалламизда 5 минг 437 нафар аҳоли истикомат қилса, шундан 152 нафарини ногиронлиги бўлган фуқаролар



Биз кўпроқ ногиронлиги бўлган ва тиббий хизматга эҳтиёжи бор аҳоли вакиллари билан ишлаганимиз учун кўпчилиги давлат бепул тарзда берадиган дори-дармонларга муҳтож.

ташқил этади. Кам таъминланган оилалар 129 та. Жорий йилнинг дастлабки олти ойида камбағалликдан чиқариш учун 10 та хонадонни танлаб олганмиз. Ўрганиш давомида бир оилага кирдик. Эркак қўли гул уста бўлишига қарамай, топган пулининг ҳаммасини ичкиликка сарфлаб келган. Аёли тикувчилик корхонасида ишлайди. 1 миллион 500 минг сўм ойлиги 2 нафар фарзандининг харажатларидан ортмайди. Бу ҳам етмаганидек, вафот этиб кетган акасининг оиласи ҳам шу кишининг зим-

масида. Оилани камбағалликдан олиб чиқиш учун улар билан бир неча марта суҳбатлашдик. Тушунтиришларимиздан кейин эркак вазиятнинг нақадар жиддий эканини англаб етди. Уни яқинда бошланадиган мактаб қурилишига бириктириб қўйдик. Ўзи ҳам астойдил меҳнат қилиб, яқинлари ишончини оқлашга ваъда берди. Фаолиятим давомида 15 та кейс очилган бўлса, барчасига ижобий ечим топилган. Хусусан, нафақа ёшидаги Шафоат Саид-аҳмедова йиллар давомида полиартрит касаллигидан азият чекиб келган. Маҳалла идорасига келиб ёрдам сўрашга имкон топа олмаган. Шунинг учун ўзимиз уйига бориб, тиббий кўриқдан ўтказдик. Бепул дори-дармон воситалари тақдим этилди. 5 кун давомида касалхонада даволанапти. Ҳаракатланишини энгиллаштириш учун электрон юритмали аравача олиб бердик. “Саховат ва кўмак” жамғармаси дориларга ҳамда уйини аравада ҳаракатланишга мослаштириш

учун қўшимча маблағ ажратди. Қизини маҳалламиздаги тикувчилик цехига ишга жойлаштириб қўймоқчимиз. Шу ўринда мени ўйлантирган бир масалага тўхталиб ўтмоқчи эдим. Биз кўпроқ ногиронлиги бўлган ва тиббий хизматга эҳтиёжи бор аҳоли вакиллари билан ишлаганимиз учун биламизки, уларнинг кўпчилиги давлат бепул тарзда берадиган дори-дармонларга муҳтож. Лекин баъзан шифокор беморнинг ҳолати оғир бўлса ҳам бу дориларни ёзиб бермайди. Кейин фуқаро биздан ёрдам сўраб келади. Аммо бемор сўраётган воситалар бепул бериладиган 120 хил турдаги дорилар рўйхатига киритилган бўлса, “Саховат ва кўмак” жамғармасидан пул ажрата олмаямиз. Ўртада муҳтож одам ноилож, қуруқ қўл билан қайтиб кетаяпти. Кейин уни ўзи сотиб олишига тўғри келади. Мутасадди идоралар бепул бериладиган дори-дармонлар тизимидаги бу муаммога ижобий ечим топиши зарур, деб ҳисоблайман.

ЖАРАЁН

Маҳаллаларда аҳолига хизмат кўрсатаётган ижтимоий ходимлар ногиронлиги бор, ёрдамга муҳтож, кам таъминланган оилаларнинг ҳаётдан рози бўлиб яшашида яқин кўмакчига айланди. Аини пайтда улар 12 тоифадаги ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар учун юздан ортиқ турдаги хизматларни кўрсатмоқда.

КЕЙС-МЕНЕЖМЕНТ — САМАРАДОР ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ ОМИЛИ



Азиз МАШРАБОВ, журналист.

Сурхондарё вилоятида ўтган йили 9 мингга яқин ижтимоий ҳимояга муҳтож оилага кейс очилиб, баҳолаш ишлари олиб борилди. Шеробод туманидаги “Қорабоғ” маҳалласида яшайдиган ногиронлиги бор Шохида Жумаевани ҳам ижтимоий ходим Дилрўза Давлатова кейс-менежмент асосида ўрганди. Ҳозирда Шохида ҳаётида янги даврни бошлаганидан мамнун. Унинг меҳнатга муносабати ўзгариб, улкан орзулар билан яшай бошлади.

— Икки ёшимда оёғим жуда кучли куйгани туфайли 15-20 йил даволандим, соғайиб кетмади, — дейди Шохида Жумаева. — 1999 йил ампутация қилиниб, оёғимдан ажралганман. Кейин юролмасдан, ҳаракатлана олмагандан ўтириб қолдим. Шу давр оралиғида тикувчиликни ўргандим. Маҳалламиздаги ижтимоий ходим уйимизга келиб, аҳолим билан танишди. Тикувчиликка қизиқишимни билиб, “опа, сизга шароит қилиб берсак, ишлайсизми”, деди. Рози бўлдим. “Қорабоғ” маҳалла биносидан битта хона ажратиб, олти та тикув машинаси билан таъминлаб берди. Уч ой давомида 12 нафар ўқувчи йиғилди. Асосан, маҳалла аёллари, хотин-қизларига чеварчилик бўйича дарс бериб келаман. Ўзимга ўхшаган ногиронлиги бор шахсларга ҳунаримни ўргатаман. Бундан улар жуда хурсанд. Шунингдек, ижтимоий ходим соғлиғини тиклаш учун стационар даволанишига, “Саховат ва кўмак” жамғармасидан дори-дармон учун моддий ёрдам ажратилишига кўмаклашди. Эндиликда унинг маҳалла хотин-қизларига қасб ўргатаётгани шогирдларига ҳам қувонч бағишламоқда. Улар ишли бўлиб, оиласига қўшимча даромад олиб келиш имконияти яратилганини алоҳида эътироф этмоқда.

— Бизнинг устозимиз Шохида опа астойдил ҳаракат қилганидан, мана, уч ойда тиқиш-бичишни яхши ўрганиб олди, — дейди цехда қасб ўрганаётган Умида Хайдарова. — Унғача бу қасбни билмас эдик. Энди тиқишни ўрганиб, рўзгоримизга бемаълал даромад олиб келамиз. Умуман олганда, ижтимоий ходимлар кўмакка муҳтож шахсларга, оғир ҳаётий вазиятга тушиб қолган оилаларга яхши кайфият улашиб, одамларда эртанги кунга ишонч ҳиссини мустаҳкамламоқда.

МЕНДА САВОЛ БОР...

Рисолат ЖУМАНИЁЗОВА, Хоразм вилояти:

— Ўзим нафақа ёшидаман. Тез-тез оёғим оғриб тургани сабабли сиҳатгоҳда даволанмоқчи эдим. Кексалар учун ижтимоий ходим санаторийларга йўлланма бераётгани ҳақида эшитиб қолдим. Шу ҳақда тўлиқроқ маълумот беринг.

ИЖТИМОИЙ ХОДИМ ҚАЙСИ САНАТОРИЙГА ЙЎЛЛАНМА БЕРАДИ?



Азамат ФАЙЗУЛЛАЕВ, Урганч тумани “Инсон” ижтимоий хизматлар маркази шўъба mudiri:

- “Инсон” ижтимоий хизматлар маркази орқали қуйидаги санаторийларга йўлланма олиш мумкин:
- Тахитово санаторийси;
- Бухоро санаторийси;
- Жиззах санаторийси;
- Косонсой санаторийси;
- Қарши санаторийси;
- “Марварид” санаторийси;
- “Маржон суви” санаторийси;
- Нуронийлар санаторийси;
- Олтиариқ санаторийси;
- Товоқсой санаторийси;
- Урганч санаторийси.

12 кунлик соғломлаштириш хизматлари йўлланмасидан фақат унда кўрсатилган шахс фойдаланиши мумкин.

ЖАРАЁН

БИЛИМ ВА КАСБ-ҲУНАР ЎРГАТИЛАДИ



Қашқадарё вилоятида инклюзив профессионал касб-таълим маркази фаолияти йўлга қўйилди. “Фаровонлик инклюзив маркази”да камбағаллик реестрида турувчи ва ногиронлиги бўлган шахслар 42 та касб-ҳунар, хорижий тил ва компьютер технологиялари бўйича курсларда бепул ўқитилади. Улар йўналишига қараб 1 ойдан 6 ойгача давом этади.

Айни пайтда марказда камбағаллик реестрида турувчи ва ногиронлиги бўлган 51 нафар шахс касб-ҳунар ва компьютер технологиялари курсида ўқитилмоқда. Келгусида марказ фаолияти Шахрисабз,

Кўкдала, Касби, Деҳқонobod, Камаши ва Косон туманларида ташқил этилиши режалаштирилган.

Бундан кўзланган асосий мақсад — ногиронлиги бўлган шахслар ва камбағал оила аъзоларини касб-ҳунар, хорижий тиллар ва рақамли технологиялар борасидаги

билимларини ошириш ва рақобатбардош касб эгаларини тайёрлашни ташқил этиш орқали уларни камбағалликдан чиқаришдир. Ўқув курси битирувчиларига касбий кўникмалар маркази томонидан профессионал таълим дипломи даражасига тенглаштирилган ва эгаллаган билимларини меҳнат фаолиятида амалга ошириш ҳуқуқини берувчи сертификат берилади.

Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги Қашқадарё вилояти бошқармаси матбуот хизмати.



Буюк Британия
Ўзбекистоннинг
ЖАҲОН САВДО
ТАШКИЛОТИГА аъзо бўлиш
жараёнини тўлиқ қўллаб-
қувватлашини билдирди.



Йирик саноат
корхоналарида бир
махсулот ишлаб чиқариш
учун сарфланадиган
ЭНЕРГИЯ МЕЪЁРЛАРИ
белгиланади.



Ислом тараққиёт банки
Ўзбекистонда таълим ва
йўл инфратузилмасини
яхшилаш учун қарийб
300 МИЛЛИОН ДОЛЛАР
ажратади.

САБОҚ

Китоб ўқиган оила нурли, файзли бўлади

Уйимизда мўъжазгина кутубхона бўлиб, ундан 25-30 тача китоб ўрин олганди. Отам ишдан келиб, бўш вақтида доим мутолаа билан машғул бўлар ва ўқиганини онамга шарҳлаб берарди. Агар асар онамга маъқул бўлса, бизга тавсия қилар ва ўқишимизни назоратга оларди.

Отам маҳаллаимиз кутубхонасидан бадий китоблар келтирар, биз фарзандларнинг нодир асарлардан баҳраманд бўлишимизга шароит яратиб берарди. Синглим ва икки укам билан шундай китобхонлик муҳитида тарбия олиб ўлғайдик.

Мақтабни битириб, техникумда ўқиб юрган кезларим уйга бирин-кетин совчилар кела бошлади. Орадан ярим йил вақт ўтар-ўтмас тўйим бўлди. Катта бир хонадонга олтинчи келин бўлиб узатилдим. Битта ҳовлида олти оила бирга истиқомат қиларди. Овсинларим менинг хар бир

ишимни, юриш-туришимни қаттиқ назорат қилишарди. Кичик келин бўлганим боис рўзгор юмушлари менинг зиммамда эди. Ишларимни ўз вақтида бажариб, бўш пайтимда сепимга қўшиб олиб келган китобларимни ўқиб, қайнонамга асар тафсилотларини сўзлаб берардим. Овсинларим китоб ўқишимни қанча қалақа қилса ҳам сира эътибор бермасдим. Келинлик вазифаларимни ўз вақтида адо этиб, қайнона-қайнотамнинг дуосини олишга ошиқардим.

Бир куни қайнонам келинларини атрофига қачкириб, анча узоқ суҳбат қурди. Уларга китоб ўқишининг аҳамияти, фарзандлар тарбиясидаги ўрни ҳақида мисоллар келтирди. Ўзининг ёшлиги беҳуда ўтгани, агар кўзлари яхши


кўрганда, ҳали ҳам мутолаа қилишга ишתיёқи борлигини чуқур ҳўрсиниш билан таъкидлади. Бундан таъсирландим ва эртасига қайнонамни кўз шифокорига олиб бордим. Керакли муолажаларни олгач, кўзойнак ёрдамида кўриш қобилияти анча яхшиланди.

Кунларнинг бирида қайнонам уйга беш дона китоб қўтариб келди. Уларнинг барини бир ярим ойда ўқиб, оилада китобхонлик маданиятини йўлга қўйишни ният қилганини билдирди. Овсинларимни ёнига қачкириб, бешта китобни беш келиннинг қўлига тутқазди ва тугатиши учун 10 кун муддат белгилади. Аввалига улар 3-4 бет ўқиб, эринчоқлик қилишди. Лекин савол-жавобдан қандай ўтишини уйлаб, ҳамма хонасида китоб ўқишга киришиб кетди. Асардаги воқеаларга берилиб кетган овсинларим айтилган муддатдан олдинроқ вазифани бажариб бўлишганди. Буни кўрган қайнонам ҳар

ой нафақасидан бештадан китоб олишни одат тусига айлантирди. Келинлар бадий асарларни қизиқиш билан бирин-кетин алмаштириб ўқирдик. Сафимизга бора-бора фарзандларимиз қўшилди. Шундан кейин доим бўш вақтимиз бўлди, дегунча, ортиқча гап-сўзларни бир четга суриб, қахрамонлар ҳаётини, ёзувчининг ўзига хос ёндашувини муҳокама қиладиган бўлдик.

Баъзан оила аъзоларимнинг китобхонлик маданиятини оширишга, мутолаага бўлган меҳрини уйғотишга ўз ҳиссамни қўшганимдан хурсанд бўлам. Шунга амин бўлдимки, китоб кириб борган оилада нур ва файз бўлади. Хотиржамлик ва кут-барака ҳукм суради.

Китобхоннинг сўзларини
Нурота тумани Ахборот-
кутубхона маркази Ахборот-
библиография хизмати раҳбари
Зебинисо ИБРОҲИМОВА
оққа кўчирди.



НИГОҲ

ГУЛ ЭКИЛГАН УЙДАН БАҲОР КЕТМАЙДИ

Қишнинг сўнгги ойи аяунланиб борапти. Бир неча кундан сўнг юртимизга баҳор кириб келади. Кўкларни соғинган юртдошларимиз эса юмушларни бошлаб юборишган. Иссиқхоналарга уруғлар сепилиб, кўчатлар тайёрланмоқда.

Шаҳодат АБДУРАҲМОНОВА,
журналист.

Шаҳрихон туманининг "Дўрмон" маҳалласида истиқомат қилувчи Одилжон ота ва Ҳадичахон опа Йўлдошевлар хонадонида йил бўйи баҳор фасли ҳукмрон. Улар ўзи ва ўлининг 3 сотихли ҳовлисида кўрган кўзни қувонтирувчи гўзал гулзор яратган. Нафақа ёшидаги отахон ва онахон бунинг ортидан оилавий тadbиркорга айланди. 50 турдан ортиқ гул навларини парваришлайётган гулчилар кўни-қўшниларининг бандлигига ҳам қўмаклашмоқда.

— Тўрт йилдан буён гулчилик билан шуғулланиб келяпмиз, — дейди Ҳадича опа Йўлдошева. — Даромадимиздан автомашина харид қилдик, Умра сафарига бориб келдик. Энг муҳими, вақтимизни мазмунли ўтказаяпмиз. Фарзандларим билан бирга кўчат етиштиришни янада кенгайтириш ниятидамиз. Айни вақтида мамлакатимизнинг турли вилоятларидан ташқари, қўшни республикаларда ҳам харидорларимиз бор. Йилига 200 миллион сўмгача соф фойда кўраяпмиз. Бу натижа билан тўхтаб қолганимиз йўқ. Ҳар бир гулнинг ўзига хос хусусияти, қандай парвариш қилиш кераклигини ўқиб ўргаяпмиз. Тажриба тариқасида банан, папайя ва зайтун дарахтларини экиб кўрдик. Тез орада улар ҳосил беришни бошлайди.



Гул экилган хонадон борки, уй соҳибининг ҳаётга завқи ўзгача экани, меҳнат қилишга ва билмаганларини ўрганишга иштиёқи баландлигини англатиб туради. Ҳадичахон онада ҳам шундай интилишни кўрдик. Шу ёшида ҳам чарчоқ билмай, тинимсиз ҳаракатда.

МАНЗАРА



БАХТ УЧУН ҚЎША-ҚЎША САРПО ШАРТ ЭМАС...

Билим ва тарбия инсоннинг ҳаётда ўз ўрнини топиши, ҳақиқий бахтга эришишида асосий омил саналади. Ҳайикса, қизларни катта турмушга тайёрлашда бунинг аҳамияти бўлакча. Бугун оилалар ҳамда аёллар билан ишлар эканман, айрим ҳолатларда никоҳ қуриш бўсағасида турган ёшларнинг дунёқарашини кенгайтириш, кўпроқ китоб ўқиши кераклигини тушунапман.

Дилдора САЪДУЛЛАЕВА,
Учкудук туманидаги
"Дўстлик" маҳалласи
хотин-қизлар фаоли.

Ў

тган йили 100 дан ортиқ оиладаги низоларни бартараф этиб, яраштиришга эришдик. Агар улардаги вазиятни умумий таҳлил қиладиган бўлсак, кўпчилигида фикрлаш доирасининг торлиги, фарзандлар тақдирига бефарқлик, ўқимаганлик ва ўқмаганлик каби жиҳатлар яққол кўзга ташланади. Оналарга қарата, "қизингизга қўша-қўша сарпо қилгандан кўра, фойдаси тегиши мумкин бўлган 10 та китоб тўхфа қилинг", деган бўлардим. Керакли билимларни эгаллаган қиз эртага ҳар қандай шароитда йўқдан бор қилишни эплайди. Сабр-қаноат билан қийинчиликларни енгиб ўтади. Турмуш ўртоғига нисбатан тўғри муносабатда бўлади. Эртага фарзандларига чиройли тарбия бера олади.

Шу ўринда фақат қизларни эмас, йигитларни ҳам оилага тайёрлаш кераклигини таъкидлаб

ўтмоқчиман. Бугун туман марказимизда фаолият олиб бораётган Оилавий ҳаётга тайёрлаш маркази айни мақсад йўлида хизмат қилаётир. Кузатувларимга асосланиб айтишим мумкинки, бу мактабни тамомлаган 54 нафар келин ва кўёвларимиз бошқаларга нисбатан анча бахтли ва бир-бирини тушунган ҳолда ҳаёт кечирмоқда.

Мазкур марказга психолог, гинеколог, уролог каби мутахассислардан ташқари, имом-хатиб ҳамда бой тажрибага эга бўлган отахону онахонлар жалб қилинган. Икки ой давом этадиган дарсларда ҳар икки ёшга оилавий ҳаётнинг барча жиҳатлари ипидан игнасигача тушунтирилади. Бу ўқув курсларидан хабар топган баъзи оилалар тўйдан кейин ҳам ўқиш истагини билдиришмоқда.

Ҳақиқатан, бахтга эришиш анча мушкул. Қанчадан-қанча доволарни босиб ўтишга тўғри келади. Баъзи ота-оналар фарзандига бу жараёнда эҳтиёж туғилдиган билимларни тўғри тушунтира олса, айримлари ийманиб гапирмаслиги мумкин. Шунинг учун мутахассисларнинг жалб қилинаётгани айни муддао бўлмоқда.



Бекорчилик қўллаб иллатларга замин яратади. Шунинг учун аҳолини имкон қадар меҳнатга жалб қилишга, доимий бандлигини таъминлашга ҳаракат қиляпмиз.

Маҳалламизда оилаларни муросага келтиришда "Оилавий қадриятларни мустаҳкамлаш" комиссиясининг хизмати алоҳида эътирофга лойиқ. Маҳалла раиси ҳамда кўп йиллар тинч-тотув яшаган, фарзандларига тўғри тарбия берган нуроний отахон ва онахонлар ҳар қандай мураккаб вазиятга ечим топишда катта ёрдам бермоқда. Хусусан, Яхё Сафаров, Одинахон Туракулова, туман имом-хатиби Абдуҷалол Тўраев ўзининг ҳаётий тажрибаларини ёшларга беминнат ўргатиб келмоқда. Берилган насихат ва йўл-йўриқлар оилалар тинч-тотув яшашига асос бўлмоқда.

Яқинда бир оиладаги келишмовчиликни бартараф этиш учун бордик. Муаммони чуқурроқ ўргансак, ҳамма жанжалга аёлнинг бекорчилиги сабаб экан. Шунда масалага ижобий ечим топиш мақсадида уни ишга жойлаштириб қўйдик. Мана, орадан ҳали кўп вақт ўтмади, эр-хотин ахил-инок яшаяпти.

Бекорчилик қўллаб иллатларга замин яратади. Шунинг учун аҳолини имкон қадар меҳнатга жалб қилишга, доимий бандлигини таъминлашга ҳаракат қиляпмиз. Жорий йилда ишсизлар рўйхатида киритилган 20 нафар фуқарони қизиқиши ва имкониятидан келиб чиқиб, турли соҳаларга йўналтиряпмиз. Хусусан, 6 нафар хотин-қиз ўзини ўзи банд қилиш учун кредит олмоқчи. Қолганлари ташкилот ва корхоналарда фаолият олиб боришни режалаштирган. Аҳолининг ўз олдига мақсад қўйиб, олға интиляётгани қилаётган меҳнатларимиз самараси, деб ўйлайман.

МЕНДА САВОЛ БОР...

Ҳафиза БОЛТАЕВА.
Жиззах вилояти:

— Уй шароитида дарахт кўчатларини етиштириш, бу ўзини ўзи банд қилиш ҳисобланамиди?

“ЎЗИМНИ ЎЗИМ БАНД ҚИЛГАН БЎЛАМАНМИ?”



Рустам РАҲИМХЎЖАЕВ,
ИИБ Академияси
кафедра бошлиғи:

— Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 31 майдаги "Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасини трансформация қилиш ва ваколатли давлат органи фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармонида асосан, 2024 йилнинг 1 январидан бошлаб уй шароитида ёки касаначилик асосида дарахт ва бута кўчатларини етиштириш фаолияти ўзини ўзи банд қилган шахслар шуғулланиши мумкин бўлган фаолият ҳисобланади.

Шунингдек, Президентнинг 2020 йил 8 июндаги қарори билан тасдиқланган фаолият турлари рўйхатида "Гуллар ва декоратив дарахтлар етиштириш ва сотиш" ҳамда "уй шароитида иссиқхона маҳсулотларини етиштириш" каби бандлик турлари киритилган (ҳозирги вақтда мазкур ҳужжатга ўзгартириш киритилмоқда).

Президентнинг 2022 йил 30 августдаги қарорида "Уй шароитида пилла етиштириш, шахсий томорқа ер участкасида тут меvasи, ниҳоли ва кўчатини етиштириш" фаолияти ўзини ўзи банд қилиш шакли сифатида кўрсатилган.

Абдухалилова Ойчехра
Иномжонова номига
2006 йил 17 февралда
берилган хонадонга эгаллик
ҳуқуқини берувчи
07-02/6112 рақамли
Давлат ордери йўқолгани
сабабли **ҲАҚИҚИЙ ЭМАС**,
деб ҳисобланади.



ҲУМОЮН СУЛТОНОВ
Ҳиндистонда ўтказилаётган халқаро теннис турнирида чорак финал йўлланмасини қўлга киритди.

AFC U20 ASIAN CUP 2023			
GROUP A	GROUP B	GROUP C	GROUP D
UZBEKISTON THAILAND CHINA INDONESIA	QATAR AUSTRALIA VIETNAM TAIWAN	KOREA REPUBLIC TAJIKISTAN JORDAN CHINA HK	SAUDI ARABIA JAPAN CHINA HK KUWAIT REPUBLIC

ФУТБОЛ БЎЙИЧА
Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси жаҳон чемпионати йўлланмаси учун Жанубий Корея билан беллашади.



Қозоғистонда ўтказилган халқаро турнирда боксчи қизларимиз 3 та олтин, 4 та кумуш ва 3 та бронза медалига **САЗОВОР БЎЛДИ.**

8

№14 | 2025 ЙИЛ 22 ФЕВРАЛЬ, ШАНБА

Mahalla

БИЗ – СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИ ТАРАФДОРИМИЗ!

РАМАЗОН ОЙИДА ҚАНДАЙ ТАОМ ТАНОВУЛ ҚИЛМОҚ КЕРАК?

Яқин кунларда юртимизга нафақат яшариш ва янгилиниш фасли — баҳор ташриф буюради, балки улўғ айём — Рамазон ойи ҳам бошланади. Тахминий ҳисоб-китобларга кўра, муборак ой мартнинг дастлабки саналаридан кириб келади. Бу бўйича расмий маълумотни Ўзбекистон мусулмонлари идораси тақдим этади.

Гули ШАЙХОВА,
тиббиёт фанлари доктори,
профессор, нутрициолог.

Рамазон ойида нотўғри овқатланиш инсон саломатлигига зарар етказиши мумкин. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг таъкидлашича, рўздорлар соғлом овқатланиш тавсияларига амал қилиб, ортиқча вазндан ҳалос бўлиш, қон босими ва организмдаги холестерин миқдорини пасайтиришга эришиш мумкин.

Рамазонгача ўн кун қолган вақтда 3-4 кун оралатиб рўза тутиб, организмни шунга тайёрлаб олиш яхши самара беради. Бу рўзанинг дастлабки кунларидан қийналмай ўтиб олишга имкон беради. Шу билан бирга, Рамазон рўзасини тутишдан 2-3 кун аввал ошқозонда кислотавийликни оширувчи махсулотларни чеклаш ҳамда тўйиб овқатланишдан ўзимизни сақлашимиз лозим.



Сахарлик пайтида ёки ифторликдан кейин десерт сифатида ҳўл мевалардан ейиш фойдали. “Ачик-чу-чук” салати таркибидagi бодринг ва помидор ҳам серсув неъматлар ҳисобланади.

Сахарликда сутли махсулотлар ва дон махсулотларидан тайёрланган овқатларни истеъмол қилиш тавсия этилади. Чунки улар кун давомида қоринни тўқ тутади. Жумладан, овқатланишда сутли махсулотлар: творогга сметана, асал ёки шакар қўшиб истеъмол қилиш керак. Бунда творог қамида 50 грамм атрофида бўлиши лозим. Бундан ташқари, сутли бўтқалар, гуруч, гречка каби дон махсулотлари ҳам муҳим. Чунки дон махсулотлари узок вақтда ҳазм бўлади, яъни тез ҳазм бўлиб, танадан чиқиб кетмайди.

“Оғизни ёпиш”дан олдин овқат ейиш лозим. Гречка билан котлетлар, сувда ёки печда товуқ, балиқ махсулотларини пишириб истеъмол қилиш фойдали. Шунингдек, бир кун гўшт ейилса, кейинги кун товуқ ёки балиқ тавсия этилади. Ёнғоқ, майиз ва асал аралаштирилиб ёпиб қўйилса, сўнгра саригё билан нонга суриб ейилса, бу ҳам кучли таом саналади.

Ифторлик ва сахарлик оралиғида кўп миқдорда сув ичиш тавсия этилади. Кун давомида

йўқотилган суюқлик ўрнини қоплаш эҳтиёжи юзага келиши боис ушбу тавсияга қатъий риоя этиш мақсадга мувофиқдир. Эрталаб турганда бир пиёла тўлдириб филтрланган ёки қайнаган, 30-40 градусдаги сув ичиш лозим. Кунига 1,5-2 литр сув ичиш тавсия қилинади, шунинг 1 литрини эрталаб сахарликда, қолганини ифторликда ичиш керак. Бундан ташқари, мева шарбатлари фойдали. 1-1,5 пиёладан кўп чой ичмаган маъкул, чунки чой билан пешоб орқали зарарли моддалар билан бирга, озуқавий керакли моддалар ҳам чиқиб кетади.

Серсув махсулотлар тановул қилиш лозим. Масалан, сахарлик пайтида ёки ифторликдан кейин десерт сифатида ҳўл мевалардан ейиш фойдали. Шўрва ёки сабзавотли салатлар сингари сувга бой таомларни истеъмол қилиш мумкин.

Ифторликда оддий сув ичиш ҳам тавсия этилади. Шундан кейин иккита хурмо ёки бир қошиқ нишолда бўлиши лозим. Чунки бу махсулотлар оч қоринни бироз

бўлса-да тўйдирди, чарқок ва бошдаги оғриқни қамайтиради. Оғизни очгандан кейин донли махсулотлар, картошка, сабзи, майдароқ тўғралган гўшт солинган суюқ овқат (кўкатлар қўшилган ҳолатда) истеъмол қилиш тавсия этилади. Кейин сабзавотли, кўкатли салатларга ўтилади, чунки бу қабзиятнинг олдини олади. Бунда қарамли, лавлагили салатларга яхши ҳазм бўлиши учун озгина зайтун ёки қўшилса, мақсадга мувофиқ.

Овқатлар билан тахминан 100 грамм нон истеъмол қилиш керак, албатта. Агар иккинчи овқатга ўтилса, улар камроқ бўлиши зарур. Сомса бўлса, битта сомса, манти бўлса, битта манти етарли бўлади. Бу овқатлар, албатта, кўкат, сабзавотлар билан бирга истеъмол қилиниши лозим. Овқатланиб бўлгач, бироз вақт ўтиб, олма, банан, нок, мандарин каби мевалар истеъмол қилса бўлади. Соғлом инсонлар ётиш олдида бир пиёла қатик ичиб ётишса, овқат ҳазм бўлиши осонлашади.

МАСЛАҲАТ

Қанча юриш керак? Юриш қанчалик фойдали бўлмасин, ҳаммага ҳам 10 минг қадам мос келавермайди. Агар сиз ёш ва соғлом бўлсангиз, юришни 10 минг қадамдан бошлашингиз мумкин. Аммо тиззаларингиз дош бера олмаса, бу ортиқча зўриқшни келтириб чиқаради. Бундай ҳолда аста-секин, қисқа масофалар билан бошлаш керак. Шунингдек, бу миқдорни офис ишчилари, нуронийлар, жароҳатланганлар ва заифлашган одамлар, сурункали касалликлар, 2-тоифа диабет билан касалланганлар қабул қилиши шарт эмас. Охири тадқиқотлар шуни кўрсатадики, агар одам кунига 5 000 ёки ундан кўп қадам ташласа, ортиқча вазн, юрак-қон томир касалликлари ва инсульт хавфи қамаяди.

Кунига 3 минг қадам юриш — дўконларга, жамоат транспорти бекатларига ва уй атрофларига пиёда борадиган ҳаракатсиз одамнинг турмуш тарзи. Бу, шубҳасиз, жуда оз. Керакли минимал (5 000 қадамдан ортиқ) миқдорга эришиш учун кунига атиги ярим соатлик юриш кифоя қилади.

Ҳар қандай жисмоний фаолият учун куннинг энг яхши вақти — эрталаб ва кечқурун. Бу вақтларда ҳаво тоза ва инсоннинг энергияси юқори бўлади. Жисмоний фаоллик кундалик одадга айланиши зарур. Бу борадаги тадбирларни кўр-кўрона қилиб, бир-икки маротаба ўтказиб, ҳеч қандай натижага эришиб бўлмайди.

Беш ёки 10 минг қадам: соғлом бўлиш ва озиш учун кунига қанча пиёда юриш керак? Бу ҳамма учун қатъий мезонми? Ёки ҳар кимга индивидуал шароити ва соғлиғига қараб бу миқдор турлича белгиланадими?

НЕГА АЙНАН 5 000 ҚАДАМ?

Шаҳноза ХАЛИЛОВА тайёрлади.

Ўрганишларга кўра, Ўзбекистон аҳолисининг 44 фоизи жисмоний фаол эмас, 36 фоизи тўғри овқатланиш қоидаларига амал қилмайди. Одамларнинг 56 фоизиди ортиқча вазн, 38 фоизиди қон босими билан боғлиқ муаммо бор. Шу боис Президент ташаббуси билан “Соғлом инсон — соғлом миллат” умуммиллий ҳаракатига старт берилди. Бу жараёнда соғлом овқатланиш ва жисмоний фаоллик тарғиботи ҳар бир оиллага олиб кирилади.

Бу рақам қаердан пайдо бўлди? Воқеа 1965 йилда содир бўлган. Токиодаги ёзги Олимпиада ўйинларидан бир йил ўтиб, спорт оламида туб бурилиш ясаган “Манпо-кеи” қадам ҳисоблагичлари сотувга чиқди. Японча талаффуз қилганда улар “10 минг қадам” дейилади.

10 минг қадам қанча километр бўлади? Албатта, бу ўринда индивидуаллик устунлик қилади. Баъзиларнинг қадами катта бўлса, бошқаларники қисқа. Босиб ўтилган масофа узунликка қараб ўзгаради. Аммо ўртача ҳисобда 10 минг қадам тахминан 7-8 километр масофани ташкил қилади.

ҲИДОЯТ ЁҒДУСИ

Умиджон БАКИРОВ.
Қашқадарё вилояти:

— Ҳозирда олтинни ош, қабоб ёки пиццага қўшиб тайёрлаш урф бўлмақда. Динимизда ушбу таомларни тановул қилиш мумкинми?

ОЛТИН ҚЎШИЛГАН ТАОМНИ ЕЙИШ ГУНОҲМИ?



Ўзбекистон мусулмонлари идораси
Фатво маркази:

— Олтиннинг ўзини ейиш ёки уни бирор таомга қўшиб тановул қилиш динимизда дуруст эмас.

Биринчидан, аслида, олтин ва кумуш нақд пул ҳамда аёлларга зийнат қилиб яратилган. Уни ейдиган нарсаларга айлантириш жоиз эмас. Бундай қилиш шарий ва инсоний урфга зиддир. Чунки бирор-бир миллат, дин ёки жамаият олтин ва кумушни таом сифатида қабул қилмаган. Қуръони каримда Аллоҳ, таоло шундай деган: “**Биз айтдик: “Эй Одам, сен ва жуфтинг (Ҳавво) жаннатда ясангиз ва хоҳлаган жойларингизда ундан (неъматларидан) бемалол тановул қилингиз. Фақат мана бу дарахтга яқинлашмангиз, (акс ҳолда) залимлардан бўлиб қолурсиз”** (Бақара сураси,35-оят). Ушбу оятда емаслик керак бўлган нарсани ейиш зулм, деб эътиборга олинмоқда. Демак, тилла ёки кумушни ейиш ҳам зулм ҳисобланади.

Иккинчидан, олтин ва кумушдан ясалган идишларда таомланиш ва ичиш ҳам жоиз эмас. Пайғамбаримиз алайҳиссалом бу ҳақда шундай деганлар: “**Олтин ва кумуш идишларида (таом ва сув) ичманглар...**” (Муттафакун алайх). Уламоларимизнинг сўзларига кўра, бу қайтариқнинг сабаби — олтин ва кумуш идишларда еб-ичиш кибр ҳамда фажрга олиб боради ва фақир инсонларнинг кўнглини синдиради.

Учинчидан, бу молни исроф ва зое қилиш ҳамда неъматларнинг қадрини ерга уриш ҳисобланади. Пайғамбаримиз алайҳиссалом еб-ичиш, садақа ва кийинишда исроф қилиш ҳамда кибрга кетишдан қайтариб шундай деганлар: “**Модомики исроф ва кибр аралашмас экан энглар, ичинглар, садақа қилинглар ва кийинглар**” (Имом Ибн Можаривояти). Бошқа ҳадиси шарифда Расулulloх саллаллоҳу алайҳи ва саллам: “**Аллоҳ, таоло қийлу қол (миш-миш тарқатиш), кўп савол бериш ва молни зое қилишингизни ёмон кўради**,” деганлар (Имом Муслим ривоятлари).

Тўғри, айрим табиблар шифо мақсадида кам миқдорда олтин истеъмол қилишни тавсия қилган бўлиши мумкин. Бу заруратда бошқа дори қолмагани учун “ҳаром билан даволаниш” бобидан бўлиб, алоҳида мавзу ҳисобланади. Лекин одатдаги ҳолатда тилла ва кумушни таомга қўшиб ейиш ҳалол эмас.



Mahalla

Ўзбекистон маҳаллалари уюшмасининг ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий газетаси

Бош муҳаррир:
Бахтиёр АБДУСАТТОРОВ
Дизайнер:
Абдулазиз Аҳмедов
Шерзод Маманов

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2024 йил 7 майда №271590 рақами билан давлат рўйхатидан ўтказилган.

Муассис: «MAHALLA DAVRIY NASHRLARI» МЧЖ

Таҳририят манзили:
100192, Тошкент шаҳри
Мустақиллик шоҳ кўчаси 59-уй.
Телефонлар:
71 233-39-89, 71 233-10-92.
Нашр кўрсаткичи: 148

«Шарқ» НМАК босмаҳонасида чоп этилди. Босмаҳона манзили: Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси 41-уй.

Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди ва офсет усулида босилди.

Ўлчами — 380x587, 4 б.т. 8 645 нусхада чоп этилди. Буюртма №: Г-220

